

Бахт



08:40 / 25.07.2021 3193

«Бахт» сўзи Қуръони Каримда қуйидаги икки ўриндан бошқа ерда зикр қилинмаган.

Биринчиси: **«У келган кунда ҳеч бир жон гапира олмас. Магар У зотнинг изни ила (гапирур). Бас, улардан бадбахтлари ва бахтлилари бордир».** (Худ сураси, 105- оят).

Иккинчиси: **«Бахтли бўлганлар жаннатдадирлар. Улар унда, модомики осмонлару ер бор экан, абадийлар. Магар Аллоҳ хоҳласа, (Ўзи билур). Бу туганмас инъомдир».** (Худ сураси, 108-оят).

Биринчисида бахт-саодатнинг вақти баён этилади. У қиёмат кунидир.

Иккинчисида эса бахт-саодатнинг жойи баён этилади. У жаннатдир.

Демак, бирон нарсани унинг ўрнидан бошқа ердан, ўриндан излаш бефойдадир. Шунингдек, бирон нарсани бошқа вақтидан бошқа вақтда кутиш, интизор бўлиш ҳам бефойдадир.

Аллоҳ таолодан дуо қилиб сўраймиз, Ўз фазли ила бизни, оналаримизни ва барча мусулмонларни бахтиёр инсонлардан этсин! Амин.

Манба: arabic.uz